



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (79) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (79)

2025

май

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.724-007.06

БОЛАЛАР ЁШИДА ДЕФОРМАЦИЯЛАРНИ ОРТОДОНТИК ДАВОЛАШДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ГИГИЕНИК ҲОЛАТИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Бободустов Улугбек Кенжа ўғли Email: BobodustovU@mail.ru

Саидов Акбар Аҳадович <https://orcid.org/0009-0009-7535-9839>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Болалар ёшида тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини ортодонтик даволаш жараёнида келиб чиқадиган пародонт тўқимасидаги патологик жараёнларда оғиз бўшлиғида ўзгаришлар юзага келади. Деформацияларни ортодонтик даволашда қўлланиладиган ортодонтик мосламалар оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонт тўқимасининг шикастланишлари бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади

Калит сўзлар: Аномалия ва деформация, ортодонтик даволаш, оғиз бўшлиғи аъзолари, гигиеник баҳолаш кўрсаткичлари

ПОКАЗАТЕЛИ ОЦЕНКИ ГИГИЕНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ПОЛОСТИ РТА ПРИ ОРТОДОНТИЧЕСКОМ ЛЕЧЕНИИ ДЕФОРМАЦИЙ В ДЕТСКОМ ВОЗРАСТЕ

Бободустов Улугбек Кенжа ўғли, Саидов Акбар Аҳадович

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В детском возрасте изменения в полости рта происходят при патологических процессах в тканях пародонта, которые вызваны ортодонтическим лечением зубочелюстных аномалий и деформаций. Ортодонтические аппараты, используемые при ортодонтическом лечении деформаций, считаются важными для устранения повреждений слизистой оболочки полости рта и тканей пародонта

Ключевые слова: аномалии и деформации, ортодонтическое лечение, органы полости рта, показатели гигиенической оценки

INDICATORS FOR ASSESSING THE HYGIENIC CONDITION OF THE ORAL CAVITY IN THE ORTHODONTIC TREATMENT OF DEFORMITIES IN CHILDHOOD

Bobodustov Ulug'bek Kenja o'g'li, Saidov Akbar Ahadovich

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara,
st. A. Navoi. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

In childhood, changes in the oral cavity occur during pathological processes in periodontal tissues, which are caused by orthodontic treatment of dental anomalies and deformities. Orthodontic devices used in the orthodontic treatment of deformities are considered important for eliminating damage to the oral mucosa and periodontal tissues

Key words: anomalies and deformities, orthodontic treatment, oral organs, indicators of hygienic assessment

Долзарблиги

Болалар ёшида тиш-жағ тизими патологиялари орасида пародонт тўқимасининг яллиғланиш касалликлари кенг тарқалган. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра гингивит ва пародонтит 35 ёшдан 44 ёшгача бўлган аҳоли орасида 64-98 % учрайди. Болалар орасида эса тиш-жағ аномалияларни даволашда олинмайдиган ва олинмайдиган ортодонтик конструкциялар қўллаган вақтда гингивит касаллиги кўп учрайди. Бунинг асосий сабаби ортодонтик конструкцияларни қўллаш жараёнида тишларни тозалаш қийин бўлади, натижада тиш қарашлари ва тошлари пайдо бўлади ва оқибатда яллиғланишлар келиб чиқади. Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашда қўлланиладиган ортодонтик мосламалар пародонт касаллиги ривожланишининг яна бир асосий сабаби тиш қараш ва тиш тошларида микроорганизмлар ҳисобланади, улар сенсibiliзация, иммун яллиғланиш ва охи-роқибат пародонт тўқималарида деструктив ўзгаришлар ривожланиш механизмларини ишга туширади. Лекин шу билан бирга пародонтда яллиғланиш жараёнларининг ривожланишида тизимли омиллар ҳам муҳим ўрин тутди, хусусан турли аъзо ва тизимларнинг ёндош патологиялари, улар организм ичида чуқур ўзгаришларга ҳамда пародонт тўқималарининг тузилмалари шикастланишига олиб келади.

Тадқиқот мақсади: болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати баҳолаш кўрсаткичларини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини ортодонтик даволаш жараёнида келиб чиққан гингивитлари бўлган болаларни кенг қамровли клиник текширувлар ўтказдик.

Натижа ва таҳлиллар

Бундан ташқари оғиз бўшлиғи микрофлорасининг ўзгариши қайсики патоген ва шартли патоген микроорганизмларнинг кўпайиши билан дисбактериоз кузатилиши мумкин. Ортодонтик даволаш жараёнида оғиз бўшлиғи микрофлораси таркиби ўзгариб, *Streptococcus mutans*, *Candida albicans*, *Lactobacillus* spp., *Enterobacteriaceae* микдорларининг ошиши тишлар қариеси ва пародонт тўқимасининг яллиғланиш касалликларига олиб келиши аниқланган. Пародонт касалликларини кечишида бир нечта омиллар сабаб бўлади, қайсики организм реактивлигини камайтириб иккиламчи иммунитетнинг пасайишига олиб келадиган. Замонавий қарашларда пародонт касалликлари этиопатогенезида асосий ўринни иммун тизим ва пародонт тўқимасининг бактерияларга резистентлиги пасайиши олиб келиши исботланган.

2021-2023 йиллар мобайнида Бухоро давлат тиббиёт институтига қарашли стоматология ўқув-илмий-амалий марказига мурожаат қилган тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари бор 122 нафар болалар асосий гуруҳимизга олинди.

1 жадвал

Текширилган болалар гуруҳлар бўйича тақсимланиши, n=152

Ёш гуруҳи	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	Ўғил болалар	Қизлар	Ўғил болалар	Қизлар
10-13	16	18	5	6
14-18	38	50	7	12
жами	54	68	12	18

Беморларни комплекс текширдик: клиник, иммунологик, рентгенологик, лаборатор текширувлар олиб борилди.

Беморлар ҳолати куйидаги мезонлар билан баҳоланди: ҳаёт ва шу касаллик ривожланиш анамнези, бемор шикоятлари, врач-стоматологга мурожаатлари, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиши, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҳолати. Беморлар юз-жағ соҳасини текшириш босқичма-босқич ўтказилди: бемор юзини объектив кўрув, юз симметричилиги, нафас олишни текшириш, оғизни очилиши, чакка-пастки жағни кўздан кечириш. Шундан кейин оғиз дахлизи ва хусусий оғиз текширилди. Хусусий оғизни текширишда куйидагиларга эътибор қаратдик-тишлов тури, тишлар ва тиш қаторини ҳолати, тиш-милк чўнтаги ҳолати, ортопедик ва терапевтик даволанган тишлар.


Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашда қўлланиладиган ортодонтик мосламалар пародонтологик статусни даволашгача ва даволашдан кейин 14, 30, 180 чи кунларда аниқладик. Гигиеник индекс (Green, Vermillion, 1969); папил-ляр-маргинал-алвеоляр индекс – РМА,

пародонтал индекс – ПИ, (Миллер, 1985); тиш-милк чўнтаги чуқурлиги (Лампусова А.И., 1980) аниқланди.

Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашда қўлланиладиган ортодонтик мосламалар пародонт каттик тўқимаси ҳолатини аниқлаш учун ортопантомограмма рентгенологик текширув ўтказдик.

Оғиз суякдаги имуноглобулин А, s-A, G ларни иммуно-фермент анализ усулида аниқладик.

Асосий гуруҳдаги болаларни даволаш жараёнида икки гуруҳга бўлиб ўргандик. 1А-гуруҳ (42 нафар) - гингивитларни даволаш традицион усулда олиб борилди. 1Б-гуруҳ (80 нафар) – гингивитларни даволаш традицион даволаш ишлари+ “Стомагель” мази+ анор донаги мойи ишлатилди. “Стомагель” мази пародонт тўқимасига яхши ёпишади, тиш-милк чўнтаги яхши сақланиб қолади, плёнка ҳосил қилади. Мазни қўлаш осон ва гигиеник хусусиятга эга.



1-расм. Болаларда тиш қаторлари аномалия ва деформацияларни ортодонтик даволашда келиб чиқадиган гингивитларни комплекс даволаш алгоритми

Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашда қўлланиладиган ортодонтик мосламалар дан фойдаланилганда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолашда натижаларнинг статистик ишланиши Windows 7.0 учун Statistica шахсий компьютер дастурий таъминотининг пакетида, шунингдек “EXCEL-2007” компьютер дастури ёрдамида ўтказилди. Таҳлил қилинаётган аломатларни тақсимлаш параметрлари ўрта квадрат оғишнинг ($M \pm m$) ўртача қиймати кўринишида кўрсатилган. Бир жуфтдан ортик ўрта қийматларни таққослаш учун кўплаб солиштириш методидан фойдаланилган (Ньюмен-Кейлс); кўплаб солиштириш учун Студент мезони ҳисобланди.

Комплекс стоматологик текширишлар 152 нафар болалар орасида ўтказилди. Асосий гуруҳга тарқоқ катарал гингивит бўлган 122 нафар болалар киритилди. Гингивит ўғил болаларга нисбатан кизларда кўп учради.

Тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформациялари бор болалар оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини ва пародонт тўқималарнинг ҳолатини дастлабки ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2 жадвал

Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашда қўлланиладиган ортодонтик мосламалардан фойдаланилганда оғиз бўшлиғи гигиена ҳолати

Текшириш гуруҳлари Кўрсаткич	РМА%	Шиллер-Писарев синамаси	Қонаш	Тиш тошлари	СРІТН
Асосий гуруҳ(n=122)	28,12±1,68	1,62±0,03	0,47±0,06	0,27±0,03	0,69±0,03
Назорат гуруҳи (n=30)	13,97±2,03	1,07±0,19	0,143±0,05	0,16±0,04	0,32±0,03

Ушбу жадвалда кўриниб турибдики РМА индекси асосий гуруҳда $28,12 \pm 1,68$; назорат гуруҳида эса 1,5 марта кам $13,97 \pm 2,03$ ни ташкил этди. Бу асосий гуруҳда яллиғланиш белгилари борлигидан далолат беради. Асосий гуруҳдаги болаларда милк усти ва милк ости тошлари ҳам аниқланди. Асосий гуруҳ болалари профессионал гигиенага мухтожлиги аниқланди. Бемор болалар оғиздан нохуш ҳид келиши, милклар қонаши ва қаттиқ озиқ-овқатларни қабул қилишда қийналишидан кўпроқ шикоят қилдилар.

3 жадвал


Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволанганда оғиз бўшлиғидаги баъзи бир гуморал иммунитет омиллари (IgA, IgG, sIgA (мг/л))

Оғиз суюқлигидаги	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ
IgA (мг/л)	$0,13 \pm 0,04$	$0,19 \pm 0,06$
sIgA (мг/л)	$0,52 \pm 0,09$	$0,43 \pm 0,21$
IgG (мг/л)	$0,08 \pm 0,08$	$0,23 \pm 0,11$

Оғиз суюқлигида гуморал иммуногенез жараёни активлашган -IgG миқдори ошган, бу яллиғланиш белгилари борлигидан далолат беради. IgA $0,19 \pm 0,06$ ниташкил этди, назорат гуруҳига нисбатан юқори кўрсаткичларда эканлиги аниқланди.

Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашдан олдинги тадқиқот усулларида фарқли ўлароқ, маҳаллий даволаш сифатида милкларга стомагель ва анор данаги мойи суртилди. Бу препаратларнинг таъсир доираси ҳақида фикр юритиладиган бўлса: стомагель таркибида антибиотик ва антисептиклар комбинацияси, яъни хлоргексидин ва метронизадол комбинацияси туфайли тиш милки яллиғланишига олиб келадиган микроорганизмларнинг кенг доирасига антисептик ва антибактериал таъсир кўрсатади.

Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашдан 6 ой ўтгандан кейинги клиник текшириш натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашдан 6 ой кейин оғиз бўшлиғи ва парадонт тўқималарининг гигиена ҳолати

Биз тавсия этган комплекс даволашдан сўнг РМА индекси 1,5 марта яхшиланди. Беморларнинг милкларни қонаши ва оғиздан нохуш ҳид келиш шикояти 95% фоиз ҳолатда камайди.

Хулоса

Болалар ёшида деформацияларни ортодонтик даволашдан кейинги клиник-иммунобиологик текшириш натижалари тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини ортодонтик даволаш жараёнида келиб чиқадиган тарқоқ катарал гингивитда оғиз суюқлигида гуморал иммуногенез жараёни активлашган -IgG миқдори $0,23 \pm 0,11$ нормага нисбатан 3 марта ошган. “Стоматогекс” мази ни ва анор данаги мойини тарқоқ катал гингивитда қўллаш самарадорлиги анъанавий даволашга нисбатан яхши натижа берди даволаш самарадорлиги 94 % ни ташкил этди. Комплекс даволашдан кейин -IgG миқдори $0,12 \pm 0,02$; IgA эса $0,14 \pm 0,08$ мг/л бўлиб назорат гуруҳи натижаларига яқинлашди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Саидов А.А., Азимова Ш.Ш., Абдуев У.Р., Расулов М.М. Тиш-жағ тизими аномалияларининг Бухоро шаҳар мактаб ёшидаги болалар орасида тарқалиши // Доктор Ахборотномаси. - 2020. - №1. – С. 67-71.
2. Sh.Sh.Azimova, A.A.Saidov., F.I.Ibragimova Medical and Psychological Approach in the Early Diagnosis and Treatment of Cutaneous Bite in Children // Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – Volume 21, Issue 4, March, 2021. – P. 16137-16142. (Scopus).
3. H.R. Aliyev., A.A.Saidov Improving the Treatment and Profiling of Deformities Caused by the Loss of Molars in Children // Ilocua Annals of 1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 16151 - 16155 Received 05 March 2021; Accepted 01 April 2021.16137 http : //annal sofrscb.ro
4. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temporomandibular joint // Asian Journal of Multidimensional Research , Indiya, 2020.Vol 9, Issue 1, January. – P. 59-63. Impact Faktor= 6.8
5. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction // The Pharma Innovation Journal. Indiya, 2020. - № 9(6). - P. 589-591. Impact Faktor= 5.98
6. Saidov A.A., Olimov S.SH., Gaffarov S.A., Akhmadaliev N.N. The value of matrix metalloproteases and connective tissue markers in the pathology of temp-jaw joint in children // Journal of critical reviews, 2020. Vol 7, – P. 44-49.
7. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temporomandibular joint // Asian Journal of Multidimensional Research , Indiya, 2020.Vol 9, Issue 1, January. – P. 59-63. Impact Faktor= 6.8
8. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction // The Pharma Innovation Journal. Indiya, 2020. - № 9(6). - P. 589-591. Impact Faktor= 5.98
9. Saidov A.A., Gaffarov S.A. The role of matrix metalloproteases in early diagnostics in the pathology of the tempo-mandibular joint in children // Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Выпуск 4(48) часть1. Переяслав – 2020 - С.51-52.
10. Saidov A.A., Gaffarov S.A. Evaluation of certain indicators of oral fluid in children with temporomandibular joint pathology // Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Выпуск 4(48) часть1. Переяслав – 2020 - С.53-55.

Поступила 20.03.2025